



International Journal for Innovative Engineering and Management Research

A Peer Reviewed Open Access International Journal

www.ijiemr.org

COPY RIGHT



2020 IJIEMR. Personal use of this material is permitted. Permission from IJIEMR must be obtained for all other uses, in any current or future media, including reprinting/republishing this material for advertising or promotional purposes, creating new collective works, for resale or redistribution to servers or lists, or reuse of any copyrighted component of this work in other works. No Reprint should be done to this paper, all copyright is authenticated to Paper Authors

IJIEMR Transactions, online available on 24th Nov 2020. Link

<http://www.ijiemr.org/downloads.php?vol=Volume-09&issue=ISSUE-12>

DOI: 10.48047/IJIEMR/V09/I12/71

Title: КУНГАБОҚАРНИНГ БАРГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ПОЯСИ РИВОЖЛАНИШИГА БИОҮЙТИННИГ ТАЪСИРИ

Volume 09, Issue 12, Pages: 378-381

Paper Authors

Юлдашева Зулфия Камаловна, Карабаева Дилфузә Жўраевна



USE THIS BARCODE TO ACCESS YOUR ONLINE PAPER

To Secure Your Paper As Per **UGC Guidelines** We Are Providing A Electronic Bar Code



ЎЎК: 63.633.854.78

КУНГАБОҚАРНИНГ БАРГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ПОЯСИ РИВОЖЛАНИШИГА БИОҮҒИТНИНГ ТАЪСИРИ

Юлдашева Зулфия Камаловна

Тошкент давлат аграр университети, Соя ва мойли экинлар кафедраси доценти,
қишлоқ хўжалик фанлари номзоди

zkamalovna@mail.ru

Карабаева Дилфузә Жўраевна

Термиз давлат университети, Ботаника кафедраси ўқитувчisi
garaboeva76@gmail.com

Аннотация. Мақолада Тошкент вилоятининг сугориладиган типик бўз тупроқлари шароитида мойли кунгабоқарни “Дилбар” нави ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига “УЗГУМИ” биоўғитини таъсирини 5 хил меъёрда далада экиш учун уруғга ишлов бериб ва 2-4 барг чиқарганда поя ва баргларига ишлов берилиб аниқланди.

Калит сўзлар. Мойли кунгабоқар, нав, уруғ, вариантлар, препарат, биостимулятор, сарфлаш меъёри, ҳосил, саватча, ўсув даври, хўжалик пишиш, лоток.

Кириш. Мамлакатимизда кимё саноатини изчил ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги учун турли кимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратиласяпти. Олимларимиз томонидан маҳаллий хомашё асосида ишлаб чиқариладиган, ўсимликларнинг ўсишини тезлаштирадиган, ҳосилдорлигини, турли касалликлар ва совукқа чидамлилигини оширадиган янги турдаги ўғитлар яратиласяпти.

Республикамиз иқлим шароитида мойли ўсимликлар (кунгабоқар, кунжут, ерёнғоқ, маҳсар) парваришлаш ва уни етиштириш технологияси етарли даражада ўрганилмаган. Шуни ҳисобга олиб Ўзбекистон мойли ва толали экинлар тажриба станциясида Бутунжаҳон коллекцияси асосида кунгабоқарниң юқори мой бериш хусусиятига эга бўлган нав

намуналарини танлаш, шу асосда Ўзбекистон шароитида етиштириб, ундан юқори ҳосил олиш учун парваришлаш технологиясини ишлаб чиқиш устида дастлабки илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кўпгина олимларнинг олиб борган тажрибаларида синтетик ёки табиий келиб чиқадиган физиологик фаол моддаларнинг ўсимлиқдаги моддалар алмашинувида катта таъсири бўлишини исботлади, натижада бутун орган ёки унинг айрим органларининг ўсиши ва ривожланишида ўзгаришлар юз беради ва стресс омилларига қаршилик кучаяди. Ўсимликни ўсишини созловчи моддалар минерал ўғитларни алмаштира олмайди, балки уларни ўсимликларни озиқлантириш тизимида тўлдиради, тупроқдан ва ўғитлардан фойдаланиш коэффициентини оширади. “УЗГУМИ” биоўғити асосан



урұғларни экишдан олдин ишланади ва кунгабоқар 3-5 барг ҳосил қылғанда сепилади. Бунда ҳосилдорлик 0,22-0,31 т/га ва мой миқдори 0,3-0,5% га ошади. [1,5,7]

Тадқиқот ўтказиш шароитлари ва услублари. Дала тажрибалари Тошкент Давлат аграр университети қошидаги “Қишлоқ хұжалигыда инновацион ишланмалар ва маслаҳат марказы” ДУК тажриба хұжалигыда ўтказилди. Дала тажрибалари системали оддий, 4 тақрорланишли, 5 вари антли қилиб жойлаштирилди. Ҳисобға олиш дала бўлинма майдони ҳар бир вариантда 24 м². Ҳисобли ўсимликлар сони 20 та. Тажрибада кунгабоқарнинг Дилбар нави уруғига “УЗГУМИ” биоўғити 0,5, 0,6, 0,7, 0,8 л/га меъёрда ишлов берилиб экилди, кейин 2-4 барг шаклланганида ва саватлар ҳосил бўлганида юқоридаги меъёрда қўлланилди. [6,2,4].

Дала тажрибаларини ўтказиш, уруғни биоўғит ва биостимулятор билан ишлаш, экиш, фенологияк кузатишлар, биометрик ўлчовлар, ўсимликни парваришлаш, ҳосилини аниқлаш. Кунгабоқарнинг “Дилбар” навидан юқори уруғ ҳосил олиш мумкин бўлган биоўғит ва биостимуляторнинг мақбул меъёри аниқланади. Мойли кунгабоқарнинг навидан юқори мой миқдори ва уруғ ҳосили олиш мумкин бўлган ўсишни созловчи биостимулятор ва биоўғит аниқланади ва фермер хўжаликларига тавсия қилинади.

Тадқиқот натижалари. Кунгабоқар асосан битта поя ҳосил қиласи ва камдан-кам шохланади. Пояси тукчалар билан қопланган бўлиб, юқори қисми саватчанинг пишиш даврида

саватча оғирлигини қўтараолмай 115-135° га эгилади.

Кунгабоқарнинг ўртапишар навларида 28-30 тагача барг ҳосил бўлади. Энг йирик барглари уруғларининг тўлишиш даврида пайдо бўлади Поясида 10-22 барг энг йирик бўлади. Мой учун экиладиган кунгабоқарнинг пояси чақиладиган кунгабоқарга нисбатан ингичкароқ бўлиб, бўйи 1,5-2,5 м ва саватчасининг диаметри 15-25 см ни ташкил этади. [7]

Мойли кунгабоқарнинг “Дилбар” навига УЗГУМИ биоўғити 2-4 барг чиқарганида ва саватча ҳосил қилиш даврининг бошида юқорида келтирилган меъёрда поя ва баргларига сувга аралаштириб сепилди. Кунгабоқарнинг ўсиб ривожланиши учун сарфланган биоўғит пояларнинг ва баргларнинг ўсишига ижобий таъсир кўрсатиши кузатилди. Олиб борилган тажрибаларда биоўғит қўлланилганда кунгабоқар поясининг баланд ва йирик бўлиб ўсиши, аксинча қўлланилмаганда паст ва нозик бўлиб ривожланиши кузатилди (1. жадвал)

УЗГУМИ биоўғити қўлланилган назорат вариантида ўртача битта ўсимликнинг поя баландлиги 174,7 см ни ташкил қилди ва кунгабоқар пояси айлана диаметри намуна ўсимликларда ўртача 8,8 см бўлди. 0,5 литр/га меъёрда биоўғит қўлланилган иккинчи вариантда ўсимликнинг поя баландлиги 180,6 см ва айлана диаметри ўртача 11,8 см, 0,6 литр/га меъёр қўлланилган учинчи вариантда 182,6 см ва айлана диаметри ўртача 12,1 см, 0,7 литр/га меъёр қўлланилган тўртинчи вариантда 186,0 см ва айлана диаметри ўртача 12,5 см, 0,8 литр/га меъёр қўлланилган бешинчи



вариантда 190,6 см ва айлана диамети ўртача 12,8 см ни ташкил қилди. Биоўғит меъёри юқори қўлланилган бешинчи вариантда ўсимлик баланд ва йўғон бўлиб ўсиб назоратга нисбатан 15,9 см га баланд ва поя айланаси 4,0 см га йирик бўлган бўлса, иккинчи вариантга нисбатан 10,0 см га баланд ва 1,0 см га йўғон, учинчи вариантга нисбатан 8,0 см га баланд ва 0,7 см га йирик ҳамда тўртинчи вариантга нисбатан 4,6 см га баланд ва 0,3 см га йирик эканлиги аниқланди.

Кунгабоқар пояси ва баргларнинг шаклланиши

Вариантла р	Биоўғит ва биости мулатор сарфлаш меъёри, л/га, грамм/га	Поя		Битта барг	
		узунлиги, см	айланаси, см	барг сони, дона	узунлиги, см
УЗГУМИ биоўғити					
1	назорат	174,7	8,8	20,0	26,0
2	0,5	180,6	11,8	24,4	28,4
3	0,6	182,6	12,1	25,3	29,2
4	0,7	186,0	12,5	25,8	30,3
5	0,8	190,6	12,8	26,6	31,0

УЗГУМИ биоўғити қўлланилган тажрибада ўсимликлар баланд бўлиб ўсиши аниқланди. Бунда назорат вариантларда ўсимликларнинг бўйи 8,7 см га паст ва лекин поянинг айлана диаметри 0,5 см га йирик бўлди. Юқори натижаларга эришган вариантларда поя 6,5 см га паст ва 0,1 см га ингичкароқ эканлиги кузатилди.

Кунгабоқар баргларининг ривожланишига ва йирик, майда бўлишига биоўғитнинг таъсири катта бўлиши кузатилди. Кунгабоқарда йирик

барглар асосан поясининг ўрта қисмида жойлашган бўлиб улар барча ўсимликларнинг ассимиляция юзасининг 80% ини ташкил қиласи ва гуллашдан кейин ҳам ўзининг фаоллигини узоқ муддат сақлаб туради. Барглари, шунингдек гултўпламлари ҳам гуллагунча қуёш йўналиши бўйлаб кун давомида шарқдан ғарбга, ёки эрталаб шарқ тарафга йўналган бўлса, кун давомида шимолдан ғарбга қараб айланиб туради. Бу билан фотосинтез маҳсулдорлигини 10% га кучайтиради.

Кунгабоқарнинг барглар сонига биоўғитнинг таъсири сезиларли даражада бўлиши кузатилди. УЗГУМИ биоўғити қўлланилган тажрибанинг назорат вариантида битта ўсимликда 20 дона барг шаклланган бўлиб тажрибадаги бошқа вариантлардан баргларнинг сони камлиги билан фарқланди. 0,5 л/га меъёрда биоўғит қўлланилган вариантга нисбатан 4,4 дона, 0,6 л/га қўлланилган вариантга нисбатан 5,3 дона, 0,7 л/га қўлланилган вариантга нисбатан 5,8 дона ва 0,8 л/га қўлланилган вариантга нисбатан 6,6 дона кам барг ҳосил қилиши аниқланди.

УЗГУМИ биоўғити қўлланилган тажрибанинг назорат вариантида ўртача битта ўсимликдаги баргнинг эни 19,6 см ва узунлиги 26,0 см ни ташкил қилди. 0,5 меъёр қўлланилган вариантда ўртача битта ўсимликдаги баргнинг эни 22,2 см ва узунлиги 28,4 см ни ташкил қилди. 0,6 меъёр қўлланилган вариантда баргнинг эни 23,2 см ва узунлиги 29,2 см, 0,7 меъёр қўлланилган вариантда баргнинг эни 24,3 см ва узунлиги 30,3 см, см ни, 0,8 меъёр қўлланилган вариантда баргнинг эни 25,0 см ва узунлиги 31,0 см, ни ташкил қилди.

Хулоса: УЗГУМИ биоўғити кунгабоқарнинг ўсишига ижобий таъсир



қилиб, кам миқдорда қўлланилганда ўсимликлар паст ва барглари ҳам кичикроқ ҳажмда бўлса, аксинча миқдорини оширганда улар йирик ва вазни ҳам оғир бўлиши кузатилди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Петриченко В.Н. Влияние регуляторов роста растений и микроэлементов на урожайность подсолнечника и масличность семян / Аграр. Россия. – 2010. – №4. – С. 24–26.
2. Пономаренко С.П. Регуляторы роста растений // – К.: 2003. – 319 с.
3. Нурматов Ш.Н., Азизов Т.Б., Турсунов Л., Анарбоев И.У., ва бошқалар //Мойли экинлардан юқори ҳосил етиштириш агротехнологияси бўйича тавсиялар. Тошкент. 2012. Туро-Иқбол нашриёти – 56–57 б
5. Мельников Н.Н. Пестициды и регуляторы роста растений / М.: Химия, 1995.
6. Халиков Б.М., Абдуалимов Ш ва бошқалар “УЗГУМИ” биоўғитидан фойдаланиш бўйича дехқон ва фермер хўжаликларига тавсиялар. Тошкент, 2013, 4 б.
7. Yuldasheva Z. K., Karabaeva D. J The effect of a biostimulator on the growth, development and yield of oily sunflower /“International Journal on Integrated Education” 2020. 157-160
- 8, Yuldasheva Z. K., Karabaeva D. J. Effect of biostimulator on the vegetation period of oily sunflower / «International journal for innovative engineering and management research» 2020. 122-125.